Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 7 март, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 17 (7014)

*Da'vat*

**Агар қалбимиз соф бўлса, аёл сўзи биз учун улуғворликка лиммо-лимдир. СЕНАНКУР**

*Ibrat*

**Ўрта Чирчиқ туманидаги 26-мактаб ўқувчиси, тўққиз ёшли Дилшоджон Қаюмов 8 Март арафасида онажонисига ҳар йилгидан кўра зўр совға тайёрлади — 2-синф ўрнига 5-синф ўқув дастурида ўқий бошлади, деб хабар қилади ёш жамоатчи мухбиримиз Д. Абдуллаев.**

# АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!

## ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**ҚАДРЛИ ОНАХОНЛАР!**
**МЕҲРИБОН ОПА-СИНГИЛЛАР!**
**АЗИЗ ҚИЗЛАРИМ!**

**Сизларни қалбларимизни меҳру муҳаббатга тўлдирувчи эзгулик ва гўзаликка даъват этувчи, ўзингиз каби файзли байрамингиз — 8 Март муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.**

**Аёл гўзаллиги ва латофатини тасвир этмоққа ҳар қандай таърифу тавсифлар озлик қилади. Аёл ўзининг нозик елкаларида нафақат ўз оиласи, балки бутун оламнинг ташвишларини кўтариб турибди, деб айтсак асло муболаға бўлмас. Оила фаровонлигини, элу юртнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминловчи, жамоани бирлаштирувчи, эзгу ва ёруғ йўлга етакловчи ҳам аёл.**

**Ҳар қандай жамият ва давлатнинг адолатли экани, авваламбор, унинг аёлларга эътибори билан ўлчанади.**

**Ҳаёт пайдо бўлганидан буён инсон она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қилади. Аёлни табиатнинг тенгсиз мўъжизаси деб билади, уни эъзозлаб яшайди. Оламга мунавварлик бағишлаган меҳр-оқибат, садоқат, ор-номус каби мумтоз туйғулар аёл қалбида мужассамдир.**

**Эртанги кунни ёруғ ва саодатли кўрмоқни истаган барча миллатлар орасида аёл зотини эъзозлаш энг муқаддас таомилдир. «Жаннат оналар оёғи остидадур» деган муборак калима ҳам аслида шул ҳақиқатнинг исботидир.**

**Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлиги мезони — оила аҳиллиги, оила мустаҳкамлигидир. Аёл — оиланинг асоси, оила ҳаётини чароғон этиб турувчи ёруғлик.**

**Бугун азиз ва озод ватанимизга содиқ, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшадиган оқил, шижоатли, бақувват, мамлакатимиз истиқлолини фидокорона ҳимоя этмоққа қодир авлодни тарбиялашни барча аёлларимиз, оналаримиз ўз умрларининг мазмуни деб биладилар.**

**1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, албатта. Оила миллатнинг, демак, Ватаннинг буюк келажагини улғайтирувчи муқаддас бешик. Униб-ўсаётган авлоднинг соғлом, маънавий етук, ватанпарвар бўлиб камол топиши оилага, бевосита сиз — аёлларга боғлиқ эканини биз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам аёл зотини ҳамиша иззат қиламиз, оналарни мўътабар билиб бошимизга кўтарамиз.**

**Муҳтарам онахонлар, азиз опа-сингиллар!**

**Сизларни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлайман!**

**Оллоҳ бахтингизни, иқболингизни ҳамиша зиёда этсин! Янги жамиятимизни, янги порлоқ келажагимизни қуриш, фарзандларнинг камолини ва роҳатини кўриш, қадамлари қутлуғ келинлар тушириш, ширин-шакар набираларнинг бешигини тебратиш саодати ҳар бирингизга насиб этсин.**

**Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик кўнглингизни ҳамиша мунаввар қилаверсин.**

**Рўзғорингиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин, ризқингиз улуғ, умрингиз узун бўлсин!**

**Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг!**

**Ислом КАРИМОВ**



## 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ



## ВАТАН ЧОРЛАР САОДАТГА

**(БАҒИШЛОВ)**

Онажоним, саломат бўл! Бирам яхши замон бўлди,
Кишан кийган азиз жонлар замон ичра омон бўлди.
Келиб омад, кулиб бахтлар бутун эл шодумон бўлди,
Жаҳонга юз тутар бўлсак ҳамма йўллар равон бўлди.

Онажоним, дуо қилгил, ёзай энди шитоб айлаб,
Ҳамон уйқу ғолиб келган юракларга хитоб айлаб,
Ватан чорлар саодатга, борай мен ҳам жавоб айлаб,
Ўзбекистон аталган юрт жаҳонда бир жаҳон бўлди.

Она, умринг ўтди ёқиб орзуни ҳам, армонни ҳам,
Кўрдинг неча қулдай ишлаб бек бўлмаган инсонни ҳам.
Кўрмадинг ҳеч кулгу қучган майдонни ҳам, осмонни ҳам,
Кўргил мана — эл кўнгли шод, Ватан жаннатмакон бўлди.

Сен излаган, сен истаган кун келди-ку, кўр Онажон,
Ташвишларинг бир четга қўй, давру даврон сур Онажон.
Қайга борсам олиб кетай менинг билан юр, Онажон,
Қизинг сендай куюнчак қиз, ўзингдай меҳрибон бўлди.

Кел онажон, қутлай сени, мангу улуғ айём билан,
Толе бизга насиб этган шундай буюк инъом билан.
Бахтиёрлик завқин туйиб, куйлай мен ҳам илҳом билан,
Озод юртим боқий тургай, авлодлари посбон бўлди.

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,**
**ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти аспиранти**



*Taqriz*

## ИСТИҚЛОЛНИНГ МУҲИМ ТАҲЛИЛИ

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан сиёсатшунос, таниқли публицист Нарзулла Жўраевнинг «Агар огоҳ сен...» сиёсий эссеси чоп этилди. Эссе мамлакатимиз раҳбари — Президент Ислом Каримов фаолиятига бағишланган. Унда юртбошимизнинг шахси, дунёқараши, мамлакатнинг истиқболи йўлида олиб бораётган сиёсати, ўзбек халқининг Истиқлолга эришувидаги ва Ўзбекистонни Мустақил давлат сифатида дунё сиёсий майдонига олиб чиқишидаги роли ҳақида чуқур илмий-фалсафий фикр юритилган.

Энг аввало шуни айтиш керакки, китоб ниҳоятда равон, жозибали, публицистик тилда, ортиқча бўрттирувларсиз, самимий ёзилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўқувчи муаллифнинг ҳар бир фикрини, у кўтарган муаммолар моҳиятини тўлиғича англаб етади. Муаллиф сиёсий етакчи ҳақида фикр юритар экан, у ўз қаҳрамони қиёфасини, ички дунёсини шунчаки баён этмайди. Уни йирик муаммолар, қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар, сиёсий ўйинлар ва зўравонликлар билан собитлик-ла курашадиган давлат раҳбари сифатида кўрсатадики, бунда сиёсий арбобнинг кечинмалари, шахс ва инсон сифатидаги қиёфаси ёрқинроқ кўзга ташланади. Бу асарнинг биринчи ютуғи. Иккинчи ютуғи шундаки, муаллиф давлат арбоби хусусида шунчаки гапирмайди. Унинг бутун ички зиддиятларини ислоҳотлар, жамиятни тубдан янгиланиш орқали кўрсатади. Уни фалсафий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий жиҳатдан таҳлил этади. Илмий мушоҳада, назарий таҳлил публицистик тил ва жозиба билан қоришиб кетиб, китобхонни зериктирмайдиган, аксинча уни ўзига тортадиган, мағзли фикр берадиган мўъжизавий асарга айланади.

Асарнинг учинчи ютуғи, унда ниҳоятда оғир-вазмин тилда, эҳтиросларга берилмай, ҳавойи таърифлар, енгил-елпи мақтовлардан холи ҳолда ниҳоятда босиқлик билан фикр юритилганлигида. Бу камдан кам юз берадиган ҳодиса. Чунки, ҳозиргача биз, индаллосини айтганда, сиёсий арбобни ҳамду санолар ўқиш орқали енгил пуфакка айлантириб, китобхонни бездириб қўйишга ёки соф «илмий» тилда «фикр»лаб ўқувчини зериктириб қўйишга одатланганмиз. Нарзулла Жўраевнинг ютуғи, ўзига хос услуби, сиёсатшуносликдаги мактаби унинг халқчиллиги ва ҳаққонийлигида.

Муаллифнинг фикрлари ҳаётий, таҳлиллари эса илмий-назарий жиҳатдан асосли. Рисолада баён этилган воқеалар узоқ ўтмишда эмас, балки яқин йилларда мамлакат ҳаётида рўй берган, айни пайтда биз ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турган, онгимиз ва қалбимиз орқали ўтаётган ижтимоий-сиёсий воқеалардир. Шу ерда, яна бир нарсани тан олиш керакки, ҳали орамизда Шўро тузумини қўмсаб юрган, янгича яшашни истамаётган, мамлакат тараққиётига имкони борича халақит берадиган, ютуқларимизни ҳамда давлатимизнинг ҳозирги ички ва ташқи сиёсатини нотўғри тушунаётганлар ҳам бор. Ана шундай бир пайтда мазкур китобнинг юзага келиши муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Китобнинг биринчи боби «Бўҳронлар қуршовида» деб номланган. Унда мамлакат ҳали мустақилликка эришмасиданоқ, яъни унинг иттифоқ таркибида турган сўнгги йиллардаги энг таҳликали ҳаёти, миллат тақдири ҳал бўлаёт-

**(Давоми 2-бетда)**

*Jarayon*

## АТТЕСТАЦИЯ НИМА БЕРДИ?

**Газетамизнинг ўтган сонида «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга оширишдаги ишларини объектив баҳолаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари, таълим тизимини бошқариш органлари раҳбарлари, шаҳарлар, туманлар ҳокимларини аттестациядан ўтказиш бошланганини хабар қилгандик. Жойларда бу тадбир қандай кечаяпти, асосийси эса, у нима бераяпти, деган савол туғилади. Бугун суҳбатдошларимиз бўлган бу икки кишининг интервьюсида шу каби саволларга қисман жавоб топишингиз мумкин. Бирининг фикри бу синовдан кейинги хулоса. Иккинчисиники эса аттестацияга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ. Лўнда қилиб, оққа туширдик.**

### ... КЕЙИН

**Ўктам ХУДОЁРОВ — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 200-мактаб-лицей директори, физика-математика фанлари номзоди:**

— Биз бундан огоҳ этилгандик. Ҳаттоки комиссия таркиби неча киши ва кимлардан иборат эканлигини ҳам билардик. Табиийки, раҳбар ходимлар савияси, билим даражаси, унинг ўз ўрнига муносиб ёки муносиб эмаслигини белгилаш учун ўтказиладиган аттестация олдидан қўрқув ҳисси ҳам бўлди. Унга қадар «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни обдон ўрганиб, тушуниб етдик. Лекин мени чексиз ҳаяжонга солган аттестация ўзим ўйлаганчалик дағ-дағ титрашимга, комиссия қаршисида ноқулай вазиятда қолишимга сабаб бўлгани йўқ. Мен учун бу гўёки жонли мулоқотга айланди. Бу синов маълум даражада барчага ўз масъулиятларини, зиммаларидаги вазифаларни яна бир бор эслатиб қўйди. Чунки ушбу иккала ҳужжат қанчалик ҳижжалаб ўқилган сайин, ундан кўзланган мақсад шунчалик ойдинлашиб бораверар экан.

Халқ таълими соҳасида бўлаётган катта ислоҳотларга мактаб-лицейимиз деярли тайёр. 1600 ўқувчини ўзида жамлаган таълим масканимизда экология, ҳуқуқшунослик, иқтисод, спорт йўналишлари асосида чуқур билим берилмоқда.

Мактаб директорлари ўртасида ўтказилган аттестациядан кейин мен шундай хулосага келдим: туман ҳокимиятининг таълим муассасаларига эътибори кучайди. Мактаб-лицейимизни таъмирлашга ёрдам беришни ваъда қилишди.

### ... ОЛДИН

**Ўткир МИРЗАЖОНОВ — Тошкент шаҳар Яккасарой туман халқ таълими бўлими мудири:**

Аттестациянинг тайёргарлик босқичи ҳам, ўтиш жараёни ҳам биз раҳбарлар учун беҳад ҳаяжонлидир. Истаймизми, истамаймизми, икки хил кайфият таъсирида бўламиз. Биринчиси, ўтолармикинман, деган ўй. Иккинчиси, ўтолмасам, нима бўлади, деган тахмин. Турган гапки, иккинчи ҳолатга тушишни асло-асло хоҳламасдим. Хўш, бунинг учун нималарга аҳамият беришим лозим?

Давримизнинг энг долзарб икки ҳужжатини қабул қилишдан кўзланган мақсадни очиқ-ойдин англаб етиш ва буни боғча тарбиячисидан тортиб мактаб директоригача чуқур тушунтириш. Назаримда, туман халқ таълими бўлимининг раҳбари сифатида бунинг аҳамиятини аввало, мен тушуниб етсам, уни амалга оширишга киришимиз ҳам осон кечади... Булардан ташқари, халқ таълими соҳасини ривожлантириш учун қаратилган ҳукуматимизнинг бошқа қарор ва фармойишларидан ҳам хабардор бўлишимиз керак.

Қисқаси, аттестация раҳбар ходимларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади. Шунингдек, у маҳаллий ҳокимликларнинг таълим муассасалари билан муносабатини яхшилашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

**Ҳ. КУЗМЕТОВА**

**ТЕНДЕР АСОСИДА ТАНЛАНДИ**
**2-бет**

**560 ТА РОМАН МУАЛЛИФИ**
**4-бет**

**МММ**

**XABARLARI**

### ТЕСТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Мактабларда ўқув жараёнини яхшилаш, ўқитилаётган фанларнинг самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқлаб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Шу боис «Yamaxa», «IBM» электрон ҳисоблаш машинаси кабинетларига эга бўлган Бахмал туманидаги Ш. Рашидов номидаги 1-ўрта мактаб базасида тест маркази ташкил этилди.

Унга тажрибали ўқитувчи, «Халқ таълими аълочиси» Ҳошим Абдуллаев бошчилик қилмоқда.

**Т. ОРЗИҚУЛОВ**

### USTOZ XOTIRASI

Chust tumanidagi 2-o'rta maktabda (rahbari N. Mamajonov) ustoz pedagog O. Sharafiddinov tavalludining 100 yilligiga bag'ishlangan kecha bo'lib o'tdi. Goyatda sermazmun o'tgan mazkur anjumanda RTM boshlang'ich ta'lim bo'limi boshligi SH. Hakimova va Pop, Chust, To'raqo'rgon tumanlaridan tashrif buyurgan boshlangich sinf o'qituvchilari ishtirok etishdi.

### DOIM YODIMIZDA

Toshkent shahar PXMOI boshlan-g'ich ta'lim bo'limida ham Oqilxon Sharafiddinovning 100 yillik tavalludiga bag'ishlangan tantana bo'lib o'tdi. Yig'ilishda ustoz olimning sevimli shogirdlaridan biri Qumri Abdullaeva hamda institut tinglovchilari qatnashdilar. Har ikkala kecha ham ishtirokchilarda katta taassurot qoldirdi.

**Ikrom BO'RIBOEV**

### САВОДХОН ЁШЛАР

Республикамиз мактабларида анъанага айланиб бораётган саводхонлар байрами кичик ёшдаги ўқувчиларнинг дастлабки муваффақиятлар синовига айланмоқда.

Пойтахтимиздаги 203-мактабда ўтказилган 1-синф ўқувчиларининг саводхонлар байрамида ҳам улар ўқиш, ёзиш, санаш, фикрлаш, китобга меҳр қўйиш, билимга эътиқод каби мураккаб ақлий жараёнларда чиниқиб бораётганликларини намойиш қилишди.

**Муяссар ТУРСУНОВА**

**МММ**

**XABARLARI**

